

...[...].

1. 49. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа розияллоху анхунинг бир бемор ўғли бор эди. Абу Талҳа (бир иш билан) чиққан эди, бола қабзи руҳ қилинди. Абу Талҳа розияллоху анху (уйга) қайтгач, «Ўғлим қалай?» деди. Умму Сулайм: «Аввалгидан сокинроқ (бўлиб қолди)», деди. Кейин (аёли) унга кечки таомни келтирган эди, у кечки таомни еди. Сўнгра унга яқинлик қилди. Фориғ бўлгач, аёл: «Болани дафн қил», деди. Тонг отгач, Абу Талҳа Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга бор гапни айтиб берди. Шунда у зот: «**Кечаси қовушдингларми?**» дедилар. «Ҳа», деди. «**Аллоҳим, уларга баракот бер**», дедилар. (Аёл) ўғил туғди. Абу Талҳа менга: «Уни эҳтиёт қилиб Набий соллаллоху алайҳи васалламга олиб бор», деди. Уни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. (Умму Сулайм) у билан бирга бир қанча хурмо бериб юборди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам уни олдилар ва: «**Унинг бирор нарсаси борми?**» дедилар. «Ҳа, озгина хурмо бор», дейишди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам уни олиб, чайнадилар. Кейин уни оғизларидан олиб, боланинг оғзига солдилар ва шу билан танглайини кўтардилар. Унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар».

Муттафақун алайҳ.

Имом Бухорийнинг ривоятларида Ибн Уйайна айтдилар: Ансорийлардан бўлган бир киши: «Мен тўққизта болаларни кўрдим, уларнинг барчалари Қуръон ўқувчи қорилар эди. Булар ўша Абдуллоҳнинг фарзандлари эди», деб айтди.

Муслимнинг ривоятида:

«Абу Талҳанинг Умму Сулаймдан туғилган ўғли вафот этди. У (Умму Сулайм) ўз аҳлига: «Абу Талҳага ўғли ҳақида мен айтмагунимча айтманглар», деди. У келгач, унга кечки овқатни берди. У еб-ичди. Сўнгра у (Умму Сулайм) ўзига ҳар доимгидан кўра гўзалроқ оройиш берди. Абу Талҳа у билан яқинлик қилди. Умму Сулайм унинг тўйиб, нафси қонганини кўргач, «Эй Абу Талҳа, айтинг-чи, бир қавм бир хонадон аҳлига бир нарсани омонат

қолдириб, кейин уни сўраса, хонадон аҳли уни бермасликка ҳаққи борми?» деди. У: «Йўқ», деди. У: «Унда ўғлинг туфайли савоб умид қилгин!» деди. У ғазаб қилиб, «Жимо қилиб бўлгунимча қўйиб бериб, энди ўғлимнинг хабарини айтасанми?» деди. Сўнгра кетди, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган ишни у зотга айтди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳ ўтказган кечангизга барака ато қилсин!**» дедилар.

Шундан сўнг (Умму Сулайм) ҳомиладор бўлди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам сафарда эдилар, у (Умму Сулайм) ҳам у зот билан бирга эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам сафардан қайтиб, Мадинага келсалар, кечаси кириб келмас эдилар. Мадинага яқинлашиб қолишганда уни тўлғоқ тутиб қолди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кетдилар, Абу Талҳа унинг ёнида қолди. Абу Талҳа: «Ё Роббим, биласанки, мен Расулинг чиққанда у зот билан бирга чиқишни, кирганларида у зот билан бирга киришни истайман. Аммо Ўзинг кўриб турган нарса туфайли ушланиб қолдим», деди. Умму Сулайм: «Эй Абу Талҳа, юраверайлик, бояги нарса ўтиб кетди», деди. Сўнг улар йўлга тушишди. Мадинага кириб келишганда уни яна тўлғоқ тутиб, ўғил туғди.

Онам менга: «Эй Анас, эрталаб уни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб боргунингча уни ҳеч ким эмизмасин!» деди. Тонг отгач, уни кўтариб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим...».

Манба: hadis.islom.uz

